

Одилжон Салоҳиддинов

**ҚИЗ
ФАРЗАНДЛАР
УЧУН**

Андижон 2012 й.



ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ
Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

**ҚИЗ ФАРЗАНДЛАР
УЧУН**

Андижон 2012 й

Такризчи:

Андижон Давлат тиббиёт
институтининг I-УАШТ
кафедраси мудири, тиббиёт
фанлари доктори, профессор
З.С.Салоҳиддинов

*Рисолада муаллифнинг “Умр” деб аталмиш ҳаёт
сабоқларидан қиз фарзандларга йўллаган ўғитлари ўрин олган.*

*Рисоладан ёш ота-оналар, мактаб, коллеж, академик лицей,
институт педагог ва ўқувчи-талабалари унумли
фойдаланишлари мумкин.*

Андижон, 2012 йил

СЎЗБОШИ

Ҳаёт бир мактаб. Инсон хохлайдими, хохламайдими узун ва машаққатли ҳаёт йўлидаги баланд ва паст йўллари босиб ўтиши керак. Бунда яхши ва ёмон кунлар, ҳушчақчақ ва ташвишли онлар учрайди. Бундай ҳолларда инсон ўзини қандай тутишлиги, нималарга эътиборини қаратиши лозимлиги тўғрисида баён қилинган кексалар ўғитлари қўл келади.

Китоблардан ўрганилган маърифий илм қаторида, оилада олинган ҳаёт илми ҳам инсон учун сув ва ҳаводек зарур. Чунки ҳаёт – бу ўқилмаган китоб. Унда битилган ҳар бир сатр, унга муҳрланган ҳар бир лаҳза – ҳикматдир. Инсон фарзанди туғилиши биланоқ бошқа имкониятларга эга бўлмаса ҳам, ўрганиш имкониятига эга бўлади. Инсондаги ёшлик муҳити ёш ниҳолнинг танасига ёзилган харф сингари унга ҳамроҳ бўлиб улғаяди.

Ҳар бир шахс умр бўйи илмга интилади. Бирок илм билан баробар одоб қоидаларини ҳам мукамал эгалламоқ лозим. Чунки одобсиз илм зийнатланмайди, аксинча одоб илмнинг юз-кўзи, чеҳраси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган нақл юради.

Мен ҳаётим давомида ота-онамдан, устозлардан, ёру-биродарлардан, бадиатдан олган ҳаёт сабоқларидан чиқарган хулосаларни Сиз азиз фарзандларга ҳаётим-мисоллар ила баён қилмоқдаман.

Мен ёзганларим билан ҳаммага ақл ўргатиш фикридан йироқман. Қоғозга битганларимни бирор қоида сифатида тан олиншига ҳам даъвогарлик қилмайман.

Мақсадим, ёзганларим орқали кимнидир маънавиятини бойитсам, ҳаётимга ижобий таъсир кўрсата олсам, ўз олдимга қўйган мақсадга ета олдим, деб ҳисоблайман.

Муаллиф

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадри.
Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла,
Безамок чоғидир умр дафтарин
Ғафур Ғулом

ҚИЗ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Азизлар! Ҳаёт тақазосига кўра, ҳар бирингиз балоғат ёшига етгандан сўнг турмушга чиқасиз, яъни оила барпо қиласизлар, фарзанд, набиралар кўрасизлар, бу табиий хол албатта. Шу боис рисолаани оила ҳақидаги фикрлардан бошламоқчи бўлдим.

Икки ёш ўртасидаги самимий туйғулар, улкан мақсадлар асосида қуриладиган ўзига хос аҳдлашув – никоҳ оиланинг тамал тошидир. Оила жамиятнинг энг кичик бўлаги, шу билан бирга асосий бўғинидир.

Меҳр- муҳаббат ҳосили бўлмиш фарзанд – авлодлар давомийлигини таъминловчи занжир, эр- хотинни боғловчи риштадир. Халқимиз “Болали уй-бозор” деб бежизга айтмаган. Чунки бола бор уйда қувонч, шодлик, кулгу бор. Болали уйда гийбат, гина, фиску-фасодга ўрин йўқ. Оила мустаҳкамлиги, никоҳ тотувлиги ҳам бевосита фарзандга бориб тақалади.

Рисоладаги инсон боласи оила бағрида дунёга келади, ота-она, ака-ука, опа-сингил, яқин қариндошларнинг меҳр қуёшидан баҳра олиб улғаяди, инсоний фазилатлар касб этиб, камол топади.

Ёш ниҳол катталарга ҳурмат-эҳтиромни, кичикларга меҳр-шафқатни, она табиатни эъзозлашни ва кўз қорачиғидай авайлашни, киндик қони тўкилган она тупроғи, жонажон Ватани олдидаги бурчларни оила қучоғида ўрганади.

Хозирги замон руҳшунос олимларининг исботлашича, инсонга хос қобилияту-иктидор, фазилату-иллатларнинг 80 фоизи 5 ёшгача таркиб топиб бўларкан, қолган 20 фоизи эса 25 ёшгача чўзилиб шаклланаркан. Лўндаси одам боласининг келгусида қандай инсон бўлиб етишиши оила қучоғида ҳал бўларкан. Бунда оилавий муҳитнинг соғ-носоғломлиги кўпинча тақдируломон аҳамият касб этаркан.

Энг юксак инсоний хис-туйгулар, эзгу ниятлар, бетакроп маънавият, ақл-заковат оила бағрида таркиб топади.

Оилада ҳар бир шахснинг ўз ўрни бор.

Донишмандлар: “Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол, нимаики жўшқин бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр тоқатли бўлса, она иродаси тимсол. Шунинг учун ҳам биз “она юртим”, “она тилим” деймиз, дейишади. Ҳадиси шарифда ҳам “Жаннат оналар оёғи остидадир” дейилади.

Она фарзандининг соғлиги, камолати ва келажаги йўлида хатто ўзини қурбон қилишга ҳам тайёрдир.

Шу ўринда болалигимда ўқиган бир эртак ёдимга тушди. “Қадим замонда бир ўлкага ёвуз жодугар келибди. Ҳамма ундан кўркиб, ўз уйларини ташлаб кета бошлабдилар. Бир аёл ҳам чақалогини бағрига босиб йўлга чиқибди. Йўлда уни ёвуз жодугар таъқиб қилибди ва онадан чақалокни тортиб олмоқчи бўлибди. Бирок она фарзандини ҳеч бағридан қўйиб юбормабди. Газабланган жодугар аёлни боласи билан жарга ташлабди ва жарни сув билан тўлдирди бошлабди. Сув аёлнинг тиззасига етибди, кейин белигача чиқибди. Аёл эса гўдагини бағрига босиб қимирламай тураверибди. Сув ҳам шафқатсизларча аёлнинг кўксига етиб, бўйинга қараб йўл олганда, у боласини икки қўли билан сувдан кўтарибди. Сув онани бутунлай кўмибди. Лекин она бор кучи билан фарзандини сув юзида ушлаб тураверибди. Ёвуз жодугар бу холни кўриб, онанинг чексиз меҳрига қойил қолибди ва узоқ – узоқларга қочиб кетибди. Аёл эса сувнинг чангалидан кутилиб фарзанди ва бутун ўлкани ёвуз жодугардан халос этибди. “Она меҳри” бу оддий эртак эмас – ҳақиқатдир.

Яна бир ривоятда айтилишича кунлардан бир куни юртни ёв босибди. Элни тигдан ўтказибди. Экинзорларни пайҳон қилибди, юртни талабди. Навбат онага келибди. Онани бир ўғли ва бир кизи бор экан. Босқинчи онага қараб: “Сени ўлдирмоқчи эмасман. Катта бўлганида биздан қасос олиши мумкин бўлган ўғлингни қатл қилмоқчиман. Агар сен ўнг кўзингни берсанг, ўғлинг омон қолади, бўлмаса уни ўлдираман”, - дебди. Она: “Кўзим керак бўлса ол, аммо боламга тегма”, - дебди. Жаллод онанинг ўнг кўзини ўйиб олибди. Онадан “ғинг” деган садо чиқмабди.

Босқинчи: “Энди чап кўзингни берсанг, қизинг омон қолади”, -дебди. Она ҳеч иккиланмай, унга ҳам рози бўлибди. Жаллод онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибди. Онаизор икки кўзидан айрилибди-ю, болалари омон қолибди.

Тез орада эл баҳодирлари кўзғалиб, босқинчиларни ер билан яксон қилибдилар. Она меҳри, жасорати олдида бош эгиб, халойиқ уни юртга бошлиқ этиб тайинлашибди. Икки кўзидан айрилган она ўглини ўнг кўзи, қизини чап кўзи қилиб, узок яшабди, юртни адолат билан бошқарибди.

Она шундай зотки, у ўзидаги битмас-туганмас меҳру-шафқат туфайли фарзанд учун энг оғир қийинчиликларга бардош беради. Айниқса, фарзандининг эмизикли пайтида онанинг ширин уйқусидан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур қилиб кўринг. Оналар гўдакка оқ сутига меҳрини кўшиб эмизадилар. Ҳаёт озуқаси чақалоқнинг оғзидан кириб, бутун танасига сингиб кетади. Зеро томирларда оқувчи қон эмас, онаизорнинг оқ сути. Юрак уриб турар экан, она меҳри йўқолмас. Меҳр йўқолса, ҳаёт сўнади. Бола қалбига имон ва эзгулик уруғини экувчи, уни парваришлаб камолга етказувчи шарафли зот Онадир. Онанинг эркалаб-суйганидан, меҳр-мурувватидан тош қалблар эрийди.

Ўқиганим бор. Болалар врач қабулига бир она бемор боласини олиб келибди. Шамоллаган экан. Бола безовта, иситмаси баланд. Врач ҳамширага иситмани тушурувчи укол қилишини буюрибди. Ҳамшира бемор болага ёндошганда, унинг кўлидаги шприц ва игнага кўзи тушган аёл беихтиёр сесканибдида: -Игнангизнинг кичикроғи йўқми? дебти қалтираб. Холбуки, игнани энг кичиги экан...

Ҳамшира болага укол қилаётганида эса аёл кўзларини чирт юмиб, лабларини қаттиқ тишлаб, инграб юборибди. Кўзларидан икки томчи ёш юмалаб тушибди. У яна ҳамширага қараб, дебти: - Шу уколларни боламга эмас, менга қилсангиз, қандай бўлади?! Она сути орқали ўтади-ку?!

Ҳамшира аёлнинг соддалигидан қулиб, қилаётган ишига изоҳ бераркан, онанинг меҳру шафқат, илтижо тўла кўзларига кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлибди.

Дарҳақиқат, фарзанд она юрагининг, қалбининг бир бўлаги, фарзанд бетоб бўлса, она бетоб, кўзига дунё тор. Бола соғ бўлса

она ҳам саломат. Унда оналик меҳри, олам шодлиги жўш уриб туради. Кўрдингизми, фарзанд танасига қадалган игнадан она қалби титради, фарзанд танасидаги оғриқдан она кўзига ёш келди, фарзанд йиғисидан эса она қалби жунбушга келиб, тилга кирди ва ҳамширадан меҳру шафқат тилади.

Шу ўринда бизнинг оиламизда бўлган бир воқеа ҳам эсимга тушди. Акам пахта заводига директор эди. У ҳар куни вақт топди дегунча, гоҳ эрталаб, гоҳ тушлик пайтда, гоҳ кечқурун албатта ота-онамдан хабар олгани бизникига келарди. Жуда иложи бўлмай қолганида улардан узр сўраб, кўнғироқ қиларди.

Кунларнинг бирида эрталаб акам мен ишлаётган шифохонага келиб, хизмат тақозоси билан бир туманга кетаётганини, йўл-йўлакай бир қон босимини ўлчатиб кетмоқчи эканлигини айтди (сабаби кечқурун яхши ухлай олмаган экан).

Мен акамни обдон кўриб, унда юракнинг жиддий касаллиги бўлган “миокард инфаркти” касаллигини атипик турини аниқладим. Акамни унамаганига, мен яхшиман деганига қарамай, уни ўша заҳотиёқ шифохонамизни реанимация бўлимига жойладим.

Шу куни ота-онам акамни келишини кутибдилар. Кечқурун уйга келсам, улар менга акамни келмаганлигини айтиб, хавотирланаётганликларини билдиришди. Мен уларга акам билан кўришганимни, у бир неча кунга Тошкентга кетганини айтдим. Улар менинг гапимга ишонқирамай, акангиз ундай ҳолда бизга кўнғироқ қилиб кўярдику, дейишди. Мен шошилинич ҳолат экан, шу боис менга айтиб кетди, деб уларни тинчлантирдим. Эртаси куни кечқурун онам менга нега акангиз Тошкентда бўлсаям телефон қилмаяпти, бундай одати йўқ эдику, деди. Мен иши кўпайиб кетгандир, албатта эртага телефон қилиб қолар, дедим.

Шифохонамизни реанимация бўлимида шаҳар телефони йўқ эди, у бу бўлимдан 100 метрлар нарироқда бор эди. Кечқурун мен сим топиб, шу жойдан реанимация бўлимига телефон туширттирдим. Эрталаб, яъни касалликнинг учинчи куни акам отам, онам билан телефонда гаплашишди, ўз вақтида уларга кўнғироқ қила олмаганидан узр сўради, Тошкентда хизмат сафаридалигини айтди. Касалликнинг тўртинчи, бешинчи

кунлари ҳам телефон орқали улар билан гаплашиб турди. Шу орада уни аҳволи анча яхшиланди.

Кечкурун ишдан қайтсам, онам: “Мени кўнглим негадир гаш, нотинчман, акангизга бир нарса бўлган, мендан яшираяписизлар”, деб қолди. Онамни тоби йўқ эди. Ҳар куни муолажа оларди. Вазият мени асл ҳолатни айтишга мажбур этди. Акамни аҳволи анча яхшилигини айтдим.

Улар (ота-онам): “Бизни ҳозироқ уни олдига олиб борасиз”, деб айтишди. Ноилож уларни акамни олдига олиб бордим. Уларни кўришишларини таърифлашга ожизман.

Ана сизга онанинг меҳри. Отанинг меҳрибонлиги. Она қалбини ҳеч алдаб бўлмас экан. Биз фарзандлар буни сезишга ҳаракат қилишимиз керак.

Бу чексиз уммондек буюк мўътабар оналар қалбига таъзим айланг, азизлар! **Оилада болаларни тарбиялашда отанинг салмоғи ҳам жуда катта.** Ота оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимо ҳаракатда бўлади.

Отанинг ҳам фарзандига она каби муҳаббати чексиз, чунки у фарзандни ўз суратидан кўчирилган нусха деб англайди. Ота ўзи истаган фазлу камолини фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукамал қилиб тарбиялашга ғайрат қилади. Ота фарзанди ҳақида халқдан “Тарбия қилган отанга раҳмат” деган сўзни эшитса, севинади, невара, эвараларини кўриб наслини давом этаётганидан қувонади.

Бир киши бир донодан насиҳат қилишни сўрабди. Доно унга: “Ҳовли-жойинг, илму-одобинг кимдан қолган? – дебди. У киши: “отамдан”, - деб жавоб берибди.

Доно унга: “Шунинг ўзи насиҳатдир”, дебди ва давом этиб: “Агар сен яхшилик қилсанг, яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг ёмонлик қолади”, деган экан.

Ота-оила таянчи, меҳрибон маслаҳатчи. Азалдан отанинг мавқеи, юриш-туриши, обрўси, меҳнатга муносабатидан ибрат олиш фарзандлар учун одат ҳисобланган. Ота рози худо рози дейдилар. Фарзанд отани рози қилиб, дуосини олса, дилини пок тутса, Аллоҳ ҳамиша сўраганини беради, ҳар қандай яхши ишларга йўл очилади. Ота ҳеч вақт фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Сиз қуйидаги шеърини мисраларга бир эътибор беринг-а:

*Бир кун ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.*

*Ота фигон чекди Каъба қошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади, бир гандан нари.*

*Каъбага сизинар экан кекса чол,
Армониш ошкора айтди оламга.
Деди: “Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.*

Падари бузрукворининг чизган чизигидан чиққан, юзига тик қараган фарзанд фарзандми?

“Ота рози – худо рози” деган улуг ақидани вужуд-вужудига сингдирмаган, хизматларида бўлмаган, дуосини олмаган фарзанд фарзандми?

Ёши бир жойга етиб қолган чоғида эғнидаги кийимлари гардини покламаган, уйининг тўрисиغا ўтказиб, отасининг деганларини бажо келтирмаган фарзанд-чи?

Отани улуглаганлар, эъзозлаганлар, кафтида кўтарганлар кам бўлмагай.

Ота фарзандидан кўп нарса талаб қилмайди, фарзандини доимо соғ-саломат кўргиси келади. Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов шундай дейди:

*Ўғлим сўрамасман сендан мол-дунё,
Уй жой қуриб берма, майли аломат.
Майли, кўзларимга бўлмагин зиё,
Ёнимда юрсанг бас соғу-саломат.
Майли кўтармагил мени елкангда,
Қалқон ҳам бўлмагин ёгса маломат.
Бир куни ёстиққа бошим текканда,
Тепамда турсанг бас соғу-саломат.*

Ота-онанинг фарзанди учун чексиз меҳнат – машаққатларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир парча этдан, мурғак чақалоқдан забардаст бир инсонни вояга етказгунча

онадек меҳрибон ғамгузор, отадек парвона-ю захматкаш зотлар қанчалар азият чекиб, қанчалар қалб нурларини фарзандига бахшида этадилар. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини севади. Ҳеч ким уларни ёмон ва бахтсиз бўлишларини истамайди. Ўзлари эришолмаган ютуқларни қўлга киритишини, юксак марраларни забт этишини хоҳлайди. Шу боис ҳам Юртбошимиз: “Фарзандларимиз биздан кўра доно, кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак” деб, кўп бора таъкидлайдилар.

Фарзандининг ҳар бир ютуғи ота-онанинг юрагини тоғдек кўтаради, фахр ва ғурур туйғуларини вужудга келтиради. Ана шу туйғу уларга маънавий қониқиш беради, умрларига умр кўшади.

Одатда отани падари бузруквор, онани эса меҳрибон волида деймиз. Ота-она буюк зотлардир. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, кўз қорачигидек асраб-авайлаб, вояга етказибгина қолмай, ҳамма вақт ҳаётимизга нур сочиб турадилар, ой каби тунимизни ёруғ, йўлимизни ойдин қиладилар. Ота-она ўғил-қизига ўз умри, ақл идроки, шодлигини бахш этади.

Шуни билингки, яшаса болам деб яшайди ўзбек. Шу боис шоирлардан бири ҳам:

*Ўзбекка ўхшашни топмоқ муаммо,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.
Бир қўлда беланчак, бир қўлда қуръон,
Бир елкада кетмон, бирида иймон.
Барчага баробар бир офтобсимон,
Яшаса болам деб яшайди ўзбек*

деган экан.

Шу боис, меҳрибонларингизнинг дуосини олинг. Тиззаларига бошингизни қўйиб, кўзингизни бир нафас юмиб турунг. Шунда бундан ортиқ жаннат йўқлигини хис қиласиз.

Рўзгорчи дерсиз? Рўзгорнинг ғори қачон тўлган, айтингчи? Ҳаёт ташвишлари ҳеч қачон тугамаган, тугамайди ҳам, лекин ота-оналар бу фоний дунёда меҳмонлар. Кейин минг тавалло-ю, тавба-тазарру билан ҳам уларни ортига қайтариб бўлмайди.

Бу гапларимга қулоқ тутинг, оғир олманг, ота-она қошига шошилинг, дуоларини олинг, кам бўлмайсиз.

Билинглarki ўзбек халқи бой маънавият ва тарихга эга. Мана ўшалардан баъзилари: авваллари ота ўтирган даврага ўғил дафъатан қўшилмаган, отага тик қараб гапирилмаган. Таом тановул қилишда ота-она келмагунча, ҳеч ким овқатга қўл узатмаган.

Ҳар қандай қийин, мураккаб ишлар олдидан кексаларнинг маслаҳатларини тинглаб, улардан фотиҳа олинган. Қариндош-уруғлар, ёру-биродарлар кучи билан хашарлар қилинган. Тансик таомлар пиширилганда қўшниларга улашилган.

Эрталаб туриб, фарзандлар ота-оналаридан хабар олишган. Эрта тонгдан кўча эшиклари очилиб ховли ва дарвоза атрофлари супуриб-сидирилган. Кўча-кўйда ёши улуғларнинг олдидан кесиб ўтилмаган, саломлашишни ҳеч ким қанда қилмаган. Бемор ва қарияларни зиёрат қилиш одат тусини олган.

Аждоду-авлодларимиз сувни муқаддас ҳаёт сарчашмаси деб билиб, уни ифлослантиришни, ахлат ташлашни, хатто унга туфлашни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Ҳар бир хонадондан ариқларда зилол сувлар оқиб турган. Оқар сувларни касал бўлиб қоламан деб ҳадиксирамай, бемалол ичишган.

Болакайлар ховлилардаги ёки кўчалардаги мевали дарахтлар шохлари устиларида юрсаларда, уларни синдириб, пайҳон қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаганлар. Қушлар, ҳайвонларга озор бермаганлар, янги фарзанд туғилган хонадондан она “алласи” доимо эшитилиб турган. Она қалбидаги яхшилик, эзгулик, поклик нури алла орқали фарзанд қалбига кўчган.

Бобо ва момоларимиз, ота-оналаримиз фарзандлари билан кечки овқатдан сўнг савоб нима, гуноҳ нима, увол нима, қарғиш нима, меҳр нима, шукрона нима, сабр нима, дуо нима? кабилар бобида тез-тез “суҳбатлар” ўтказиб турганлар.

Оила суҳбатларида ота-оналар яна болаларига: сувга тупурма, нон устига нарса қўйма, тузни ҳор қилма, ёши улуғларнинг йўлини тўсиб ўтма, ота-онангни гапини қайтарма, ғариб-нотавонлар устидан кулма, одамларга орқангни ўгириб ўтирма, ҳайвонларнинг бошига урма, бўш бешикни тебратма, марҳумларнинг уйидан чиқиб бировниқига борма, қариндошларнинг билан алоқани узма, кераксиз сўзларни гапириб, кейин изза бўлиб юрма” сингари хикमतларни баён қилганлар.

Ёшу-катта уларни зўр эътибор ила тинглаганлар ва уларга амал қилганлар. Шу миллий удумларимиз, миллий қадриятларимиз асносида ёш авлодга халоллик, ростгўйлик, бир-бирларига

яхшилиқни сизгиниш, виждон, иймон, эътиқод, катталарга хурмат каби олийжаноб фазилатлар сингдириб борилган. Мана шу миллий удумларимизни эъзозланглар, уларга амал қилинглар, фарзандларингга уқтиринглар!

Инсон боласи ёшлигидан яхши ва ёмон одатларнинг қайсинисига кўникиб, ўрганиб қолган бўлса, бу удум уни бир умр тарк этмайди. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда, “Бешиқда теккан – кафанда кетар” ёки “Дард кетар-одат қолар”, “Иллат кетар-одат кетмас” деган мақоллар бор.

Оилада кўни-кўшниларни кўраолмаслик, фисқу-фасод, игво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради. Умуман, оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас.

Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладан, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг ҳатти-харакати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўқиганим бор. Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфовага журналист савол берибди: “Айтингчи, сизнингча замонавий ўзбек оиласи қандай бўлиши керак?”

У: “Замонавий ўзбек оиласи шундай бўлиши керакки, унда замонавийлик ва миллийлик уйғунлашиб кетган бўлсин. Оилада маърифатпарварлик, одампарварлик ғояси устун бўлиб, ота-бола, она ва қиз ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзбекона ҳаё, замонавий янгича қарашлар сезилиб турса ва бу қарашларда миллий ҳаё, ибо кўриниб турса, деб орзу қиламан. Биз шундай оилаларнигина замонавий ўзбек оиласи, дея оламиз. Ўз отасини сенсираб бошқа тилда чақириниш, мутлақо миллий кийим-ларни инкор этган ҳолда олдида очиқ-сочиқ кийиниб юрган қизлар ўсаётган оилаларни мен замонавий, бугунги давр орзу қилган оилалар деб айтаолмайман. Замонавийлик дегани бу чегарадан чиқиш дегани эмас, балки бу дунёга янгича, бар-камол нигоҳ билан қараш ва шу нигоҳда ўтмишга эҳтиром кўрса-тишдир” деб жавоб берибди. Менимча, бу жуда тўғри жавоб.

Хадиси шарифда оилада фарзанд бурчи тўғрисида тўхталиб, фарзанд узлуксиз ота-она хизматида бўлиши, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятини йўналтириши таъкидланади.

Кимки ота-онасини чуқур ҳурмат қилса, албатта фарзандлари ҳам уни эъозлайди, ҳурмат қилади. “Қайтар дунё” деб бежиз айтилмаган. Отани кўёш, онани- ой деб билган ҳалқимиз, уларнинг қадрига етиш, эъозлаш, бошга кўтаришни, падари бузрукворининг туз ҳаққини, волидаи – меҳрибонининг сут ҳаққини оқлашни ҳар бир ўғил-қизининг виждоний бурчи эканлигини алоҳида уқтиради.

Кекса оналарнинг капалак қанотидан ҳам юпқа қалбини ҳис қилиш, вақт топиб, олтинга бой сўзларини ёнларида ўлтириб тинглаш, кўзларига яхшироқ қараш, хатти-харакатингиз, турмуш тарзингиз, тилингиз билан уларнинг нозик дилига заррача озор етказмаслик йўлларини ахтариш қўлингиздан келар. Оналарга меҳр зарур, хотиржамлик зарур.

Кўпни кўрган кексалар: “Ота-онангни гапини икки қилма, икки дунёнинг куйиб кетади” деб фарзандларини диёнатга, имону-этикодга, хулку-одобга чақирганлар. Ота-онанинг юзига қараб ўтиришнинг ўзи катта бир ибодат.

Ҳаётда ота-онадан ризо бўлмоқдан, ота-онангни розилигига муяссар бўлмоқдан улуғроқ савоб йўқдир.

Ҳар бир инсон, агар у виждонли, ҳақиқий инсон бўлса, дўпписини олиб кўйиб, яхшилаб ўйлаб кўриши керак. “Хўш, мен отамга, онамга қандай яхшилиқ қилдим” деб.

Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини ризолик белгиси билан хандон қилиши, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшилиқнинг дебочаси деб билиши лозим. Нажот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли ҳосил бўлади.

Бир донодан: “Дунёдаги энг улуғ бахт нима?”, деб сўраганларида, у: “Фарзанд учун ота-онанинг ҳаётлиги”, деб жавоб берган эканлар.

Ҳаётда шундай фарзандлар учрайдики, улар туққан онасига, тарбиялаган отасига ғамхўрлик қилишни ўзларига эп кўрмайдилар, улардан хабар олмайдилар.

Бундай фарзандлар ота-оналари олдида катта гуноҳ қилаётганликларини сезмайдилар, уларнинг ғаниматлигини эсдан чиқарадилар.

Қадимда падари бузруквори томонидан лаънатланган ўғил ёки қиз эл-юрт олдида бошини кўтариб юраолмаган, юзи шувит

бўлиб, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ олдида обрўси тўкилган.

Бундай фарзанддан ҳамма нафратланган, улар қарғиш олганлар. Сизлар дуонинг яшнатишини ҳам, қарғишнинг қақшатишини ҳам эшитгансизлар. Ҳақ қарғиш албатта қақшатади. Ўшанда қарғиш олган шахс кимга, қачон, қандай азоб берганини эслайди. Қарғишни қаҳри қирқ йилдан кейин ҳам сўнмайди, у адашиб ўтиб кетмайди, шубҳасиз, чалиб йиқитади.

Ота-она дунёдан кўз юмганларидан сўнг қабрига неча сўмлик тош қўйиб, ҳайри-эҳсонлар қилгандан кўра, тириклигида бир пиёла сув тутиб, кўнглини овлаш афзалдир. Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларни яхши хислатлари билан ёдлаш содиқ ва вафодор фарзандларнинг энг яхши одатлари эканлигини доимо ёдда тутинглар! Уламолар: “Ота-онани ризо қилган фарзандлар бу дунёда завол кўрмайдилар, у дунёда жаннат эшиклари улар учун очиқ бўлади. Бундай инсонларни эл-юрт ҳам азиз тутати, дуолар қилади”, дер эканлар.

Бугунги кунларимизда битта-битталаб қайтадан нашр этилаётган маънавий булоқларнинг шифобахш оби зам-замлари фарзандларимизни хидоят йўлига бошламоқда, кўнгилга яхшилик уруғларини сочмоқда. Лекин қайсидир хилватларда ёмонлик ҳам ўз умрини яшаб юрибди. Ҳар яхшиликка мукофотни ҳам, ҳар бир ёмонликка жазони ҳам, аввало Яратганнинг ўзи беради. Аммо бир ўртада виждон тарозиси бор. Инсон қачондир ўз қилмишларини шу тарозида бирма-бир ўлчашга мажбур. Виждон судининг ҳукми то умрининг охиригача авф этилмайди, жазолайверади, жазолайверади.

Азизларим! Аёллар ҳақидаги фикрларимни баён қилишдан аввал, шоирларимизни аёлларни улуғлаб ёзган айрим тўртликларини эътиборларингизга хавола этаман. Агар бир шоир:

*Аёлдан бошланур асли гўзаллик,
Аёлдан бошланур бу ҳаёт – мамот
Аёлдан бошланур юрт гўзаллиги,
Аёлдан бошланур – тинчлик фароғат*

деган бўлса,

иккинчиси:

*Ҳаётдан маъно-ю, мазмун йўқолар,
Юрак танҳоликнинг қуйини чалар,
Байрамлар, байрамга уланмай қолар.
Агар бу дунёда “аёл” бўлмаса*

деган.

учинчи бир шоир эса:
*Сахрога ўхшагай аёлсиз дунё,
Қуригай, қақшагай аёлсиз дунё,
Туялгай галати аёлсиз дунё,
Чунки жим қолади аёлсиз дунё*

деган экан

Аёлсиз ҳаёт ғариб ва файзсиздир, шунданда Коинот Сарвари кўп бора онага қуллик қилмоқликни лутф этганлар.

Донолар аёлларга қарата: “Аёллар қаддингизни янада баландроқ кўтаринг. Сизларга қараб туриб сўзлаймиз: Сиз бардошсиз, Сиз нажотсиз, Сиз қанотсиз. Сиз қудратлисиз. Сизнинг номингиз муҳаббат, бир номингиз матонат, бир номингиз жасорат, бир номингиз садоқат. Бир номингиз онадир. Бир номингиз ҳаёт, бир номингиз латофату, бир номингиз нафосат” деган эканлар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Аёллар биз гуноҳкор эрларга нисбатан ўн баробар кечиримли, юз баробар меҳрибон, минг баробар шафқатли ва раҳмдил инсонлардир” деганида минг бора тўғри айтган.

Тарихдан маълумки, аёлнинг бемисл ақли ва тийрак заковати ёрдамида жуда кўп буюк ишлар амалга оширилган.

Буюк Амир Темурга ўз маслаҳатлари билан суюкли бўла олган Бибихоним, Амир Умархон ёнида назокат ва фаросат билан давлатни бошқарувида ўз ўрнини топган шоира Нодири бегим, халқ озодлиги йўлида курашган Тўмарислар аёл зотини асрларга етарли қилиб улуглаб берганлар.

Бугун аёл зотига ва айнан ўзбек аёлига ўша улуглик нуқтаи назари билан қаралмоқда. Чунки мустақил юртимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганига ҳеч шак шубҳа йўқ.

Аёл болаларининг химоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир. Оилани сақлаб турувчи устун бу аёл, оилани султони эса эркак. Ота-онанинг, она эса ҳеч қачон отанинг ўрнини боса олмайди. Оилани жуфт қанотларга ўхшатиш мумкин. Қуш ҳеч қачон битта қаноти билан уча олмайди.

Аёллар ҳақида кўпни кўрган кимсалардан қуйидаги нақллар қолган: “Эрига тик гапирмаган хотин-хотинларнинг афзалидир” “Яхши хотин эрни ёшартиради”, “Ақлли аёл эр жаҳлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади”, “Аёл учун энг зўр бойлик, энг зўр мартаба, энг комил фазилят – бу ифқатдир”, “Яхши хотин сиркани бол қилади, ёмон феълли хотин эса болни

сирка қилади”, “Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади”, “Эрининг қариндош-уруғларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл, хузур ичида яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир”, “Эркакларни уйдан бездирадиган икки нарса - бири аёлнинг тили, иккинчиси уни уй тутишни билмаслигидир” ва х.к.

Азиз қизлар! Момоларимизни қизларга қарата айтган куйидаги сўзларига бир эътибор беринг-а:

“Болам, қиз бола палахмон тоши, борган жойингда тиниб-тинчиб кетишинг керак. Турмуш-мушт. Тош келса кемирасан, сув келса симирасан. Ҳаёт тошлари” га чидасаг енгасан, турмуш “заҳар”ларини ютсанг, ютиб чиқасан. Куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қурби етмаган нарсаларни талаб этма, эринг олдида эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солилмаган холда турма. Либосларинг ўзингга ярашган бўлсин, Очиқ-сочиқ кийиниб юриш – беодобликдир.

Бу сўзлар дур-дур сўзлардур, уларни қадрига етинг.

Кийиниш ҳар бир миллатнинг тарихи, иқлим шарт-шароитлари ва қолаверса мафқураси билан боғлиқ. Кийинишни илк бор аёллар бошлаганлар. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар табиатида кийиниш, безаниш, тақиниш тушунчалари турмушнинг асосий кўринишлари қаторида туради. Шу сабаб ҳалқимизда, онангни отангга бепардоз кўрсатма, деган гап юрса керак.

Кийиниш маданияти жинс, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараққиётнинг муайян босқичи, даражаси билан боғлиқдир.

Болалар, қизлар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кекса одамларнинг кийиниш маданияти мазмуни ва шакли шамоийили жиҳатдан биридан ажралиб туради.

Беҳаёларча кийиниш, ҳалқимиз анъаналарига, урф-одатларига зиддир. Сипо кийиниш одобга киради. Гўзаллик суръатдагина эмас сийратда ҳамдир. Буни қарангки, миллий либосларимизни охириги пайтларда саҳналарда, раққосалар эғнида кўрадиган бўлиб қолдик.

Юқори дид ва сипо кийинган, ўзини кўз-кўз қилишдан холи олиб юрувчи доно ва оқила хотин-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Аммо айрим ёшларимизда ийманиш, истиҳола қилиш деган тушунчалар йўқолиб бораяпти. Улар кийимларини этак қисми қолиб, бел қисмидан ҳам бир энлик матони тежаб қолаяптилар. Бу “маданият” белгисими? Яна айрим ёш қизлар футболкалар кийиб юришибди. Ундаги сўзлар инглизча ёзилган. Шу инглизча сўзлар

ичида ҳақоратомузлари ҳам бор, кўпчилик тилни билмаганлари учун буларга эътибор ҳам беришмайди.

Шу ўринда, кўргонтепалик Нажмиддин Тошбоевнинг модапараст қизларга атаб ёзган шеридан айрим намуналарини келтиришни лозим топдим.

*Эгингда калта кўйлак, бошида калта соч,
Ҳой, синглим, сени сал ҳаёинг борми?
Шоҳ кўчада кетаяпсан ярим ялангоч,
Ўзбек қизи модага шунчалар зорми?*

*Очиқ елкаларинг ёпиб ол, синглим,
Одамнинг назари ёмон бўлади.
Сен-ку гулдайин бир нозик ниҳолсан,
Назар теккан буқа ҳатто ўлади.*

*Ахир сен эдинг-ку шарқнинг боласи,
Шарқона удумлар ёдингдамасми?
Ёдингда эмасми онанг алласи,
Миллий кўйлак кийиш қонингдамасми?*

*Гўзалликдан яралган аслда аёл
Мода ҳам ўз йўлида бўлгани яхши.
Мода деб қадриятлар топмасин увол,
Ҳар миллат ўз удумин қилгани яхши*

*Синглим, кексаларнинг будир ўгити:
- Ёшликдаги ҳаваслар ўтар – да кетар.
Билсанг, ўзбекларнинг асл йигити
Ўзлигин унутмаган қизларни севар.*

Кийим, либос инсонни на фақат ташқи таъсирлардан химоя қилади, у либос эгасининг дид фаросатини кўрсатиб турувчи тилсиз ойнадир.

Кундалик кийинишда ўртахолик, мўътадиллик кишига қулайлик яратади. Мўътадил кийиниш кишининг ички руҳиятига ҳам таъсир қилиб, унинг чеҳрасига нур, нафислик, мулойимлик, хотиржамлик бахш этади. Қора либос кишиларда тахлика уйғотади, у аъза либос тарзида ҳам атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатади. Тўй либослари ҳам бачканалашмоқда. Қизларимиз тобора ялангочланиб, “очилич” боришяпти. Либосдан ҳаё кўтарилиши ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Ҳар бир ёшнинг ўз зийнати, ўз даври бор. Аёллар ёшига қараб кийинмаса, бундан ёмони йўқ. Кийган кийимларингиз ўзингизга хос ва мос бўлсин. Эллиқдан ошган ўзбек аёлининг шимда, қалта юбкада юриши бошқаларга эмас кўринади, лекин унинг ўзига билинмайди. Бу хол қизлари, келинлари бор аёлга ярашадими, йўқми ўйлаб кўришмайди ҳам. Бу холни кўрган кўпгина ёшлар уларни масҳара қилаётганини улар сезмасмикинлар? Буларни бир ўйлаб кўринг.

Ота қизга иш буюрганида, она: “вой, бола бечорага бунча кўп иш буюрасиз, ўзингиз қилсангиз бўлмайдимиз? дея муҳофаза қилса борми, болада отага нисбатан ҳурмат ўрнига қаҳру-газаб уйғонади. Унда виждонсизлик уруғи ниш ура бошлайди. Чунки ёш ниҳолга мана буни қил” деган сўздан, “мана буни қилма” деган сўз кўпроқ ёқади.

Шу боис, ҳар бир гапда оқила она ўз қизига “отага ҳурматсизлик, элга ҳурматсизлик”, деб ўғитлаб турса, бу тарбиянинг энг қулай ва самарали усули ҳисобланади.

Магарким, аёлга эркакдан бахт топиш буюрилган экан, у бу бахтни аввало эрининг ҳурмат – эътиборидан, шукроналигидан изламоғи лозим. Агар бу ҳурмат – эътибор самимий бўлса, эркакнинг ҳам ўз бахтини топгани шу. Яхши кишининг ёмон хотини – унинг шу дунёдаёқ дўзахидир” деган экан Бобур мирзо.

Шу боис, кўнгилларингдан шукроналик аримасин, бир-бирларидан рози эканликларини эр-хотинга, хотин-эрга вақти-вақти билан билдириб турсин. Эр сўзига қулоқ солган, Аллоҳ амрини адо этган хотин камбағални подшо қилади. Кимнингки кўнгил хабибаси бўлган аёли бўлган, хонадоннинг бекаси ўзига уйғун ва мос бўлса, ўша одам энг бахтиёр кимсадир” дейишади кўпни кўрганлар.

“Кимнингки ёстиқдоши уни жондан севучи экан, демак Жаноби ҳақ ўша қулига раҳмат назари билан қараяпти, бу одам Аллоҳнинг лутфига эришган, бахтиёрлардан экан. Аллоҳни, пайгамбарни таниган хотин эрга итоат этади, бундай хотин эрини бошига бахт тожини кийдирувчидир” дейдилар донолар.

Бир донишманддан аёлларнинг қайси сифатини мақтай оласиз, деб сўраганларида, у: “Аёл энг аввало аёл бўлиб қолиши керак. Унинг гўзаллиги ҳам, ҳаёси ҳам, латофати ҳам унинг аёллигида. У қайси лавозимда ва ким бўлишидан қатъий назар, энг аввало аёлдир, онадир. У оилада ҳам, ҳаётда ҳам шундай бўлиб қолмоғи маъқул”, деб жавоб берган экан.

Маълумки, оила фарзанд билан мустахкам бўлади. “Давлатинг – ўғил қизинг”, “Одамнинг меваси бола”, “Фарзанд – белнинг қуввати”, “Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор” каби мақолларда фарзанд қадри улуғланади.

Ўқиганим бор. Айтишларича машҳур бир олима минбардан туриб янги кашфиётини эълон қилибди. Табиийки, илм аҳли уни олқишларга, гулларга ва айни дамда саволларга кўмиб ташлабди: - Сизни нафақат юртимиздагилар, балки кўплаб хорижий давлатлардаги олимлар ҳам танишади, эъзозлашади. Сиз энг бахтиёр аёлсиз. Айтингчи, армонингиз борми?

Аёл бу саволдан бир қалқиб тушибди ва ўзини ўнглаб олгач, маюс бир оҳангда сўз бошлабди: - Тўғри, мен дунёга машҳур аёллигимни, фанда салмоқли кашфиётлар яратганимни инкор этмайман. Бу жиҳатдан мен бахтли олимаман. Бироқ энг бахтсиз аёлман. Чунки мен она эмасман. Агар мендан: “Дунёдаги энг буюк бахт нима? деб сўрашса, “Оналик бахти” дердим. “Дунёдаги энг буюк дард нима?” деб сўрашса, “Она бўла олмаслик деган бўлардим” деган экан.

Кўпни кўрган кексалар: «Кўпинча ҳаётда 30-40 ёшларгача жуфт танлашда “ўлчов” ни жуда юқори кўйишлик ёки бошқа сабабли ўз вақтида турмушга чиқмаган қизларни учратасиз. Улар биринчи навбатда шуни унутмасликлари керакки, аёл дунёга инсоният занжирининг узилиб қолмаслиги учун ўз халқларини кўшгани келади. У аёллик учун, шу улкан ҳаётнинг бир хужайраси бўлмиш қайсидир хонадоннинг шамчироғи бўлиш учун дунёга келади. Қолгани бари иккинчи даражали фаолиятдир» дейишади.

Донишмандлар янги туғилган чақалоқни ҳали ҳеч нарса битилмаган оппоқ қоғозга ўхшатишган. Ана шу оппоқ қоғозга нималарни битилиши, гўдакни қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ оналарга боғлиқ бўлади. Айтишларича, гўдак тетапоя қадам ташлаб юра бошлагандан она уни катта олам билан таништириб, унга дастлабки ҳаёт сабоғини бера бошлар экан. Уни яхши ишларни бажаришга, ёмондан хазар қилишга чорларкан. Йиллар ўтган сайин бу борада онанинг масъулияти янада ошиб бораркан. Шу боис доноларнинг: “Бола кичиклигида сени ухлатмайди, катта бўлганида эса ўзинг ухлай олмайсан” деганлари бежиз эмас экан.

Ҳар бир она болаларим, невараларим пок бўлсин, келажакка мос бўлсин, гўзал хулқ, ўзбекона одоб соҳибни бўлсин, деган ният қилади.

Яна бир масала, хозирда кўп аёлларимиз “алла” айтишни билмайдилар.

Алла – она меҳрига йўғрилган майин юрак садосидир. Оналаримиз орзу-ўйларини, дардларини аллага қўшиб, тўкиб солганлар. Аллага амалга ошмаган ниятлар, ҳеч кимга айтолмаган покиза армонларини қўшиб айтганлар. Алла – болага бериладиган рухий озуқа, илк тарбия воситасидир.

Фарзандларни миллий анъаналаримиз руҳида ватанпарвар жасур қилиб тарбиялашда аллани аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, алла айтишга ўрганинлар, ўргатинлар, уни юксакликка кўтаринлар.

Азизларим! Ҳар бир инсон “Ҳаё” ибораси билан чиройли. Ҳаё – одоб, ахлоқ фазилатларининг улуғи бўлиб, нафсни тийиш, ёмонликни тарк этиш, беҳаёлардан ўзини олиб қочиш, уялиш, номус шарафини сақлаш кабиларни эслатади. Ҳаё инсон қалбида, унинг ташқи кўринишида намоён бўлади. Ҳаё қадимдан ўзбек хотин-қизлари учун меросий фазилат бўлиб келган.

Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Бир ўзбек аёлини маълум айби учун қатл қилмоқчи бўладилар. Уни олиб кетмоқчи бўлиб кирганларида у миршаблардан игна-ип сўрайди. Миршабнинг “нима учун” деган саволига, кўйлагининг бир жойи йиртилганлигини ва уни тикиб олмоқчилигини айтади. Шунда миршаб: “Сени қатлга олиб кетаяпмиз-у, уни тикишингдан не фойда?” деган саволига у аёл: “Мен ўзбек аёлиман, ўлимга кетаётган бўлсам ҳам танамни бирор жойини ёт кимсаларга кўрсатмай, ҳаёни йўқотмаган ҳолда ўлишим керак” деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, аждодларимиз авваллари ҳаёни, одоб-ахлоқимизни қандай эъзозлашган. Шу боис бўлса керак, “Ҳаё”-одамийликнинг ўзаги деб ҳисобланган.

Юртбошимиз И.А.Каримов маърузаларининг бирида “Шарму-ҳаё” сўзлари ўзга халқларда ўзи тугул таржимаси ҳам йўқлигини эслатиб ўтган.

Ҳаёли аёлларда ўз эрига вафодорлик қилиш, поклик, ширинсуханлик, ростгўйлик каби бир қанча фазилатлар мужассамлашган бўлади. Демак, инсоният ўлчовининг энг гўзал намунаси – ҳаёдир.

Аллома Ризоуддин Ибн Фаҳриддин: “Ҳаё ва ифбат тарбияли аёлларнинг одати бўлмоғи лозим. Хотиннинг одобсизлигига ва ҳаёсиз юришига ориятли эркакларнинг ҳеч бири рози бўлмайди.

Хотини қанчалик гўзал бўлсин, унинг номуссизлигини билиб қолган эрнинг ихлоси қайтади, муҳаббати сўнади, унда нафрат пайдо бўлади. Ҳаёли инсон фақир бўлса ҳам одамлар орасида ҳурмат қозонади. Ҳаёсиз кимса эса, нақадар бой бўлмасин, эътибор топмайди. Эрига ёлғон сўзлаган хотин – тарбиясиздир” деганлар.

Донолар номусни, ҳаёни дарахтдан ўрганишни таклиф этадилар. Дарахт ҳаёт шарбатлари югираётган танасини парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган жойни қобиқ билан бекита-бошлайди. Унда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурияти шуни тақозо қилади.

Демак хулқли ҳаёт ўлчовининг энг гўзал намунаси – ҳаё экан. Буни доимо ёдда тутинглар.

Ўзбекларга хос орият, иффат, шарм-ҳаё бор жойда бўлажак турмушда ниҳоятда зарур бўлган мавзуда гап очиш жуда қийин. Лекин шунга қарамай, уни айтишни лозим топдим. Шундай мавзулардан бири – жинсий тарбиядир.

Билишимча, никоҳ, оила, жинсий тарбия, келин-куёвнинг ўзаро маҳрамлик муносабатлари, қизларда хайз кўришнинг бошланиши каби масалалар тўғрисида маслаҳат ва йўл-йўриқларга муҳтож ёшлар кўпчиликини ташкил этаркан.

Шу боис оилада кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга, билимли онахонларимиз, шифокорлар ёрдамида ҳар бир ёшлар ўртасида шу мавзуларда суҳбатлар уюштирсалар фойдадан холи бўлмас эди. Бу мавзудаги суҳбатлар, шарму-ҳаёни йўқотишга эмас, аксинча, келажакда турли шахсий фожиаларни юз бермаслигига, бевақт иффатдан айрилмаслик йўлида хизмат қилади, деб ўйлайман. Зеро, жинсий тарбия қурилажак оила одобининг, оила мустаҳкамлигининг бош омилларидан биридир.

“Қиз бола туғилгач, ўзбек одатига кўра, унга сарпо йиғиш бошланади. Шу билан бирга, шу кундан бошлаб, тарбия бериш ҳам бошланиши керак” дейди кўпни кўрганлар. Бу жуда тўғри гап. Тарбияда майда-чуйда нарсалар бўлмайди. Аввало қиз болани янада нафис, янада кўркам, малоҳатли этадиган хусусиятлардан бири – унинг ширинсуханлиги, хушхулқлигидир.

Донолар: Онанинг дили ширин бўлгандагина, боланинг тили ширин бўлади” дейишади.

Хонадонда қизлар ўзаро суҳбатлашаётганларида овозларини баланд этмай, ўта назокат билан гаплашишлари лозимки, бу уларнинг фазилатларини янада мукамал этади. Кулганда бақириб кулмасдан, аксинча, ним табассум билан, атрофдагилар диққатини

жалб этмасдан, қийқирмасдан кулсалар, бу уларнинг яхши тарбия топганларидан далолат беради.

Ҳар куни сахар чоғида ўзбек хонадонининг кўча эшиги олдини супирилиши одат тусини олган. Уни кўпинча қизлар ёки келинлар амалга оширадилар.

“Келин ахтараётган она сахармардонлаб эшик олди супириб-тозалаб қўйилган дарвозани тақиллатади, чунки эрта туриб иш бошлашни одат қилган оилада файзу барака бўлади” дейди кексалар.

Супуриб-тозалашни ҳам қондаси бор дейишади.

Авваламбор шу аёл ихчамгина кийинган, сочлари чангдан тўсилган бўлиши керак. Сувни шалоплатмай, енгил сепиб (кўллашиб эмас), сўнг бировларга малол келмайдиган тарзда супуриш керак. Кўп кузатаман, аммо ҳамма жойда ҳам бунга амал қилинмайди. Айрим ҳолларда аёлни сочлари тўзгиган, эски кийимда, кўча чангитиб, супуради. Бу ҳолат кўчадан ўтаётганларни эрталабки яхши кайфиятларини бузади. Буни уй бекаси қизига ёки келинига ётиқлик билан тушунтириб қўйиши керак, керак бўлса амалда кўрсатиши лозим.

Донишманддан, “Яхши аёллар” деб кимларни айтамыз деб сўрасалар у: “Олийжаноб, покиза ва қалби гўзалларни, ақлли, қаноатли, иффатли, вафолиларни, барча ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб, ўзини ва номусини сақлайдиганларни, яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганларни, юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами кутлуг бўлганларни” деб жавоб берган экан.

Уйни моддий жиҳатдан таъминлаш эркак зиммасидадир. Аммо хотин ҳам ўзи ишлашни истаса эри билан келишиши лозим. Шу ҳолда моддий бирдамлик кучи маънавий оламда ҳам акс этади, ораларида севги ортади.

Севги олдида пул ва мол-дунё мавзуси аҳамиятини йўқотади, адолат қарор топади. Бундай ҳолда эр-хотинларнинг асосий вазифаси ўзаро ишончга таяниб, янги насллар етиштириш ва тарбиялашдир. Чунки ишончсиз жамиятда на севги, на ҳурмат ва на оила қолади.

Энди меҳрибон қизлар катта ҳаёт тажрибасига эга бир мўътабар онахоннинг қизлар тарбиясидаги қуйидаги сўзларига бир эътибор берингчи:

“Маълумки, кечаги қизалоқ хадемай бўйига етиб, турмуш қурш хохишида бўлади” деб сўз бошлади у: Хўш, у аслида турмушга тайёрми? Икки ёшни қовуштириш, қизни келин бўлиб узатилиши ҳамма учун қўнгилли хол, албатта. Бироқ уй бекаси бўлиш ҳам осон эмас-да. У келинчаклик даври ўтгач, вафодор хотин, меҳрибон она ва ниҳоят доно қайнона бўлгунча оила ташвиши билан яшаши, хонадон ками-кўстини бутлаш, эр хурматини жойига қўйиш, қаноатли ва тадбиркор бўлиш, охири жанжалга олиб борадиган исрофгарчилигу-бебошликлардан қочиш, болаларга меҳрибон она ва ғамхўр мураббий, қайнонага эса келин эмас, тоабат киз бўлиб қолишни уддалаши лозим. Бу шартларнинг бениқсон бажарилиши учун ҳар бир бўлғуси уй бекаси ўзи туғилиб ўсган оиласида мукамал бошланғич тарбияни олган бўлиши зарур.

Савол туғилади. Бугунги қизларимиз оилада шундай тарбия олишяптими? Катталарни ҳурмат қилишни билишадими?

Атрофга назар солсангиз, турмушга узатилаётган баъзи қизларимиз хатто оддий овқат пиширишни ҳам билишмаяпти. Нега шундай? Менимча, айрим ота-оналар қизларини чиройли кийинтириб, қимматбаҳо тақинчоқларга буркаб, сепларига чет элларда чиққан мато, мебеллар ва бошқа рўзгор буюмларини олиб бериш учун бор қучларини сарфлашяптилар, лекин улар тарбиясига эса вақт топа олмаяптилар. Катта бўлса йўлини топиб кетар, қабилида иш тутуляпти. Доноларнинг: “Улғайиб новда қотгандан сўнг, уни эгиб бўлмайди” деган нақлни эсламаяптилар.

Садоқатли уй бекаси бўлишга тоғдай чидам, парилардек бокиралик, ақл-фаросат талаб қилинади.

Сир эмас, жанжалсиз оиланинг ўзи бўлмайди. Турмушнинг мушти бўлади, деб бекорга айтилмаган. Шундай пайтларда кўпроқ оғирликни аёл киши ўз зиммасига олиши керак. Яна эр-хотин бир-бирини тушиниши, кечиримли бўлиши, фарзанлари учун ўзларини асрашлари муҳим. Чунки улар қўш кабутардек бир-бирлари учун яратилганларини ҳис қилсалар, оила мустаҳкамлиги ўз-ўзидан таъминланади.

Ўзига бениҳоя ишонган, оилада “Устунлик” учун даво қилаётган, “Мен пул топаяпман” шиорини баланд кўтариб, эрини менсимайдиган аёлларимиз борлигини ҳам тан олишимиз керак. Билингни, бундай хонадонларимизда хайр-яхшилик бўлмайди, саодат қутилмайди, қутилган билан етишиб бўлмайди. Бундай

оилаларни бир кунмас бир кун дарз кетиши мумкинлигини кўпинча ҳаётда кўраяпмиз. Аллоҳ шундан асрасин!

Уй борки, уйга меҳмон келади. Меҳмондорчилик яъни меҳмон кутиш ва кузатиш одати дунёдаги барча халқларга хос хусусият. Ўзбек халқи бу одатни жуда қадим замонлардан ихтиёр қилган. Шунинг учун маданиятимизнинг кўхна манбаларида меҳмондорчилик одамнинг, оиланинг, қабила ва халқнинг одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқаси – мулоқот мезони сифатида жуда катта қадр билан тилга олинади. Ўзбеклар: “Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳру-дилинг кенг бўлсин” дейишади.

Халқимиз азалдан эшиқдан келган инсонни ҳурмат-эҳтиром қилиб кутиб олиб, иззатини жойига қўйиб, кузатиб қўйишган.

Мен қизларимга бу масалаларда ҳам кўп бора сабоқ берганман, дейди онахон. Меҳмонни ҳар қандай вазиятда турсангиз ҳам, илиқ кутиб олмоқ лозим. Шунинг биланги, меҳмон келар эшиқдан, рисқи келар тешиқдан”. Меҳмонга бориш ва меҳмон кутишда ҳам маълум қоидалар, шартлар бор.

Ҳеч қачон меҳмонга кечикиб борманг. Бу меҳмонларга нисбатан ҳурматсизлик белгиси бўлади. Эрта ҳам борманг, чунки бу пайтда уй эгаларининг юмушлари кўп бўлиб, сизни ҳурматингизни жойига қўя олмасликлари мумкин. Таклифсиз меҳмонга борманг. Меҳмонга келганингизда хонада одам кўп бўлса, ҳар бири билан алоҳида-алоҳида кўришишга ҳаракат қилмаганингиз маъқул. Меҳмон кутаётганингизда дурустроқ кийимингизни кийиб олинг, меҳмонларни табассум, очиқ чеҳра билан қарши олинг (кайфиятингиз яхши бўлмаган холда ҳам).

Аёл сўзини давом этиб: Мени “Учта қизим бор. Ўғилларим ҳам 3 та. Хали қизларим кичиклик пайтларидаёқ уларни ишга солабердим. Улар эшиқдан кириб келган киши ечган оёқ кийимларини бир текис қилиб қўйишни, ифлоси бўлса ювишни, чангини артишни билишди. Мактабга чиққан пайтларида эса, уларни аста-секин ошхона ишларига – кўниктира бордим. Мен билан овқат пиширишди. Хамир овқат қилсак, ҳаммаси баробар чучвара, манти тугишар, лағмон чўзишарди. Қирларни ювишни ўргатдим, дазмол ишларини бажаришни ўрганишди. Кейин ишларни уларга тақсимлаб қўядиган бўлдим. Бирига бугун уйларни тозалашни буюрсам, иккинчисига овқат қилишни, учинчисига эса ховлига қараб қўйишни ва бошқа вазифаларни буюрардим. Тез-тез бу вазифаларни алмаштириб турардим.

Кўникма пайдо бўлгач, айтмайдиган бўлдим. Ўзлари билиб, ҳамма ишларни бажарадиган бўлишди. Ҳозир уччаласи ҳам турмушга чиққан, қудаларимдан фақат раҳматлар эшитаяпман.

Шу боис бўлса керак халқимиз орасида “Сепли қиз бўлгунча эпли қиз бўл”, “Қуш ўз уйида кўрганини қилади” деган мақоллар юради.

Хонадоннинг тартиб ёки тартибсизлиги хотинга боғлиқ. Ошхонаси тоза, пок, ейиш-ичиш анжомлари софу-тоза ҳамда саранжом-сариишта бўлса, шу уйдаги хотин тарбияли, интизомли ҳисобланади.

Агар Сиз бахтли бўламан десангиз, турмуш ўртоғингизнинг кўнглини топиб, унинг феълини ўрганинг ва унга мослашинг. Шундай қилсангиз оғирингиз енгил кечади. Эрингиз сизга нисбатан ноҳўя ҳаракат у ёқда турсин, хатто ўринсиз гапирмайди, сизни ҳурмат қилади, оқибатда эса қайнонангиз билан ўртангизда доимий илиқлик барқарор бўлади. Менимча оилада эркак киши устун яъни бошқарувни, аёл киши эса уйнинг фариштаси бўлгани маъқул. Қайси оилада эркак киши устун бўлса, шу оилада тартиб, бир-бирига ҳурмат, эътибор кучли бўлади. Ҳуда беҳудага жанжал келиб чиқавермайди.

Халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочади” деган нақл бор. Дарҳақиқат шундай. Жанжални келтириб чиқармаслик чораларини кўриш керак. “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин” дейишади. Аёл оқила, фозила ва андишали бўлган оилада отанинг обрўси жойида бўлади.

Онамнинг айтишларича. Эр кишини улуғлашда энамга тенг келадиган аёл бўлмаган экан. “Болаларнинг отаси кўчадан келганида ирғиб ўрнидан турмаган, “Яхши келдингизми?” дея пешвозига чиқмаган аёлни мен аёл ҳисобламайман”, бу доимо қулоғингда турсин” дердилар.

Инсонга хос бўлган фазилатлар жуда кўп, лекин шу фазилатлар ичида эркакларга алоҳида ярашадиган ва аёлларга алоҳида ярашадиганлари бор. Мардлик, тантилик, жасурлик, ўктамлик, шахт сўзлик кўпроқ эркакларга ярашадиган фазилатлар бўлса, мулойимлик, ширинсуханлик, назокат кўпроқ аёлларга ярашади.

Аёлнамо, ўта юмшоқ эркак киши кўзга қандай хунук кўринса, “Эркаклаб” кетган аёл ҳам шундай хунук кўринади.

Келин айб иш килиб қўйса “Мени кечиринг, ёшлик қилдим, деб қайнонадан узр сўраса, қайси қайнона бемехр бўлади, қайси эр унга нафрат билан қарайди?

Кечирим сўраш – ёпилиб қолган меҳр булоғининг кўзини очишдек маъноли бир гап. Айб ҳаммадан ҳам ўтади, лекин ўз вақтида кечирим сўрашга мардлик қилиш керак. Вақтида кечирим сўраш ҳам инсон учун бир маданият.

Мағрурлик қилиб, бир гапдан қолмаслик, ўз вақтида кечирим сўрамаслик, севган кишидан айрилишига, оиланинг бузилишига, фарзандларини эса етим бўлиб қолишига олиб келишини унутмаслик керак.

“Эрни кўриб хотинга баҳо бериш керак” дейди яна доно халқимиз. Ҳеч қаерига гард юқтирмасдан чақмоқдек кийинган эркакни кўриб, “Хотини покиза аёл экан” деган халқга борамиз. Аслида ҳам шундай. Уйда аёл эрига қанчалик эътибор билан қараса, қай тарзда муомала қилса, шу оилада ўсаётган қиз ҳам бу холни назардан қочирмайди. Шунинг учун бўлса керак халқимиз орасида “Онасини кўриб қизини ол” деган мақол юради.

Йигит ва қизлар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат инсонга хос буюк туйғу. Лекин кўчада ва хиёбонларда, кўпчилик кўзи олдида баъзи йигит қизларимизнинг ўзларини тута билмасликлари, ниҳоятда ардоқлаб, сир сакланадиган туйғуларни енгил-елпилик билан кўз-кўз қилиш беҳаёликдир.

Кўша-кўша кийимлари бўла туриб, магазинма- магазин, бозорма-бозор чет элда тикилган либос ахтариб юрувчи аёллар, қизлар ҳам йўқ эмас. Бундайларни биз гўзал дея олмаймиз, маънавий қашшоқ деймиз холос. Қимматбаҳо тақинчоқлар, ялтироқ кийимлар, мода кетидан кувиш ташқи киёфани ўзгартиради, аммо ички оламга сайқал бермайди. “Ҳаё, ибо, орномусли, фаросатли инсонда ҳамма нарса – чехра ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлади.

“Рўзгор-гор” дейдилар. Рўзгорда эр ишлаб, топганларини аёл саришта билан ишлатса, кам бўлмайди, муҳтож бўлмайди. Оиланинг баракаси хотин кишининг тежамкорлигига боғлиқ. Оила аъзолари топганини бир кишига келтириб берса, рўзгор сарф-харажатини фақат бир киши олиб борса, ҳеч қачон оила муҳтожлик кўрмайди. Болалар ҳам шу кўйда тарбияланади. **Шуни билингки, фэйз-баракасиз оила, эпсиз она, бепарво ота билан ҳеч кимнинг қуда-анда тутингиси келмайди.**

Катта қизимни турмушга узатганимга 5 йил бўлди, дейди онахон сўзини давом этиб. Бир куни у бизникига келганида, мен ундан атайлаб турмуш ўртоғингни ранжитмаяпсанми? деб савол бердим. Қизим: "Турмуш мушт деганларидек, турмуш ўртоғим билан келишмовчиликлар бўлиб, уришиб қоламиз. Бундай ҳолларда мен биринчи бўлиб, кечирим сўрайман. Бу фазилат сиздан юққанда, она. оилани сиз бизга муқаддас деб ўргатгансиз, уни тинчини таъминлаш кўпроқ аёл зиммасида. Шу сабабли турмуш ўртоғимни айрим инжиқликларига чидайман. Мен доим турмуш ўртоғимдан бир поғона паст туришимизни ёдимдан чиқармайман", деди. Мен қизимни бағримга олиб, унга яхши дуолар қилдим.

Маълумки, емай-ичмай, дам олмай топганимизни тўйга йиғамиз. Қарзга ботамиз. Тўғри тўй тўйдек ўтиши керак. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яхши. Келин-куёв сеплари хаддан зиёд кўп бўлмоқда. Келиннинг сепидан кўра уни эпpli бўлишига кўпроқ эътибор берсак бўлмайдимиз? Қудалар ўзаро келишиб, енгилроқ тўй ўтказган оилаларни кўраяпмиз. Улардан ибрат олсак бўлмайдимиз? Ўринсиз ҳаражатларга қачон чек қўйилади?

Эркак бош бўлса, аёл унинг бўйини, бўйин қайси томонга бурилса бош ҳам ўша ёққа эргашади. Демак, тўй ва маъракаларни камхарж қилиб ўтказишда биз- аёллар кўпроқ жон куйдирганимиз маъқул. Кўп оилаларда оила бузилишларининг сабаблари шу сеплардан келиб чиқаяпти. Биз икки ёшни қовуштираётганда ниятимиз бошқача эдику.

Яна бир масала тўйдан олдин тиббий кўрик масалаларига камроқ эътибор бераяпмиз. Натижада айрим куёв ёки келинда сурункали касаллик топилиб, янги қурилган оилалар дарз кетаяпти. Буни биз жиддий ўйлашимиз лозим" деб сўзини тугатди онахон.

Азиз меҳрибонларим! Бу сўзларни тасдиғини биз ҳаётда кўп учратдик. Мўътабар аёлнинг юқоридаги сеҳрли ва қимматбаҳо сўзларини доимо ёдда тутмоқ даркор.

Шуни унутмангки, эркак қанчалик ақлли ва зукко бўлмасин, оиладаги иқлимни аёл яратади. Агар оилани катта бир кемага қиёсласак, ота унда моҳир эшкакчидир. У оилани усталик билан ҳар хил хавф-хатардан олиб ўтади. Кема ичида она ва фарзандлар бор. Она фарзандларига бот-бот эшкакчининг моҳирлиги туфайли оила кемаси тинч ва хотиржам сузаётгани тўғрисида уқтириб туриши керак. Шу тариқа фарзандларда отага нисбатан ҳурмат ва меҳр хисси камол топади.

Ота-она маъсулиятини фақат ўғиллар ўз зиммасига олади, деб ҳеч ерда айтилмаган. **Ота-онани асраш, авайлаш ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдай тўғиёдир.**

Ноқобил ўғил туфайли ота-онага келадиган исноддан қизнинг ортидан келадиган дашном юз чандон азоблироқ, оғриқлироқдир. Қизининг шаънига берилган баҳо унинг зотиға, ота-онасининг маънавий мағзига берилган баҳодир. Шу боис андиша, шарму-ҳаё ва мулоҳаза билан иш юритмоқ лозим.

Момоларимиз ниҳоятда андишали, кечиримли, ҳаёли ва эрига итоаткор бўлишган. Бу ўзбекона феъл ҳеч қачон ёмоникка етакламаган.

Меҳр бунёд этиш аёлнинг қўлидадир. Аёл меҳрини қизганмаган жойда онла илдизи мустаҳкам томир отади, умрни узоқларга элтувчи бир меҳр дарахти бунёд бўлади.

Агар аёл бўлмаса, ҳар қандай хонадоннинг бахти кемтик бўлиб тураверади. Шунинг учун оталар уй остонасидан кирмай туриб, фарзандларига “Онанг қани?” деб сўрайдилар, ваҳоланки гарчи у аёлни уйдалигини сезиб турсада. Ана шу саволнинг тагида меҳр, муҳаббат ва соғинч туйғулари мужассам. Демак, бу туйғуларни қадрлай билиш, меҳрнинг умрини узайтириш, эркакни оилага боғлаш ҳам аёллар зиммасида эканлигини зинҳор унутманглар.

Шу ўринда ўқиган бир ҳикоя эсимга тушди. Унга сизлар ҳам бир эътибор беринглар-чи.

Қадим замонда бир эркак аёли билан суҳбатлашиб ўтиришганларида, эшик тақиллаб қолибди.

– Ким у? – сўрашибди эру-хотин бараварига.

– Мен тақдирман, - дея овоз келибди эшик ортидан. Хонадонингизга озгина бахт ва бироз бахтсизлик олиб келгандим. Шуни икковларингга тақсимлаб беришим керак.

– Сен бахтни аёлимга бер, у бир умр шу рўзгорни деб тиниб-тинчимасди, бахтсизликни эса менга қолдир, дебди эркак.

– Йўқ, йўқ, мен эмас, эрим бахтли бўлиши керак, - дебди аёл жон холатда. “Бахтсизлик”ни менга берақол, чунки биз аёллар жуда сабр-тоқатлимиз.

Шунда тақдир дебди: - “Мен сиз иккингишни бор-йўғи синаб кўрмоқчи эдим холос, ваҳоланки бир-бирингиз билан аҳил экансизлар, онлада бундан ортиқ бахт йўқ”.

Ибратли ҳикоя, шундай эмасми?

Юртбошимиз И.А.Каримов аёлларимизга ўз ҳурмат ва эътиборини қаратиб: “Аллоҳнинг марҳамати билан оилани оила

киладиган зот – бу аёлдир. Аёлни улуғламоқ, оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демақдир” деган эди.

Азизларим! Аёл ибоси билан чиройли.

Кейинги пайтларда ёш оилаларнинг унчалик мустақкам эмаслиги хусусида ташвиш билан гапирилмоқда. Уйланган йигитларимизнинг лабзи ҳалол бўлмаётганлиги, боз устига турмушга чиққан қизларимиз хиёнатга йўл қўйишаётгани очикдан – ойдин баён қилинаяпти. Ўлдим-куйдим деб турганлар, хиёл ўтмай бир-бирига етти ёт бегона бўлишаётир. Хўш, нега шундай хол юз бераяпти? Бунга ким айбдор? Афсуски гуноҳкор йўқ. Ҳеч ким мен нотавонман, дейишга журъат тополмайди. Охир-оқибатда айрим оилалар бекор бузилмоқда, сабр-тоқат деган инсоний тушунча унитилаяпти. Икки ўртада маънавий тушунча кучли бўлмай, енгил-елпи ҳаёт кечириш йўли танланаяпти. Болалар тирик етим бўлиб қолмоқда.

Ҳаётдан мисол келтирай.

Вилоят тери-таносил касалликлари шифохонасида бир неча беморларни кўриб, улар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Улар суҳбатидан куйидагилар аён бўлди:

Биринчи бемор 25 ёшда, 3та фарзанди бор. Турмуш ўртоғи топарман-гутарман бўлган. Лекин охирги икки-уч йил ичида бир касалликка чалиниб, тез-тез шифохоналарда даволаниб турган. Аёл тирикчилики деб енгил-елпи савдо-сотик ишлари билан шуғуллана бошлаган. Қўлига бироз пул тушгач, эрини писанд қилмай қўйган. Шаҳарма-шаҳар юришни бошлаган. Енгилтак аёллар билан дўстлашган. Улар эридан ажралишини, эркин қуш бўлиб юришини маслаҳат беришган. Кунларнинг бирида у судга ажралиш учун ариза беради. Эр, қайнота, қайнонанинг панд насиҳатлари унга таъсир қилмайди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оилани сақлаб қолиш борасидаги сай ҳаракатлари ҳам бекор бўлибди. Улар ажралишибди, 3 бола тирик етим бўлиб қолибди.

Тез орада аёл “дом”га ўтиб яшай бошлаган. Кун, ойлар ўтаверган. Кейинчалик у чиройли кийинадиган, тақинчоқлар тақадиган ҳолда юрадиган бўлган. Ҳар куни, кун ора унинг уйдан кечки “меҳмонлар” аримаган. Бу уйдаги ҳолдан зийрак ички ишлар ходимлари хабар топиб, навбатдаги “меҳмонни” кузатаётганида уни ушлаб, шифохонага келтиришган. Унда захм касаллиги топилган. Эр, қайнота, қайнона қарғиши ўз кучини кўрсатган.

Навбатдаги бемор 19 ёшда, жуда хушрўй. Ота-онаси кекса бўлишларига қарамай, яхши умидлар билан уни қишлоқдан шаҳарга ўқишга жўнатишган. Лекин, у имтиҳонлардан ўтолмаган. Қишлоққа қайтиб боришни хохламай ота-онасига: “Мен шаҳарда ишга кирдим. Бир йил ишлаб сўнг ўқишга албатта кираман” деб туриб олган. Ота-она бунга ноилж кўнишган. У бир бева аёл хонадонидан ижарада турган. Аввал ҳар ҳафтада, кейин 2-3 ҳафтада бир қишлоққа бориб турган. Шу орада ота-она биз қариб қолдик, орзу-ҳавас кўришимиз керак деб, уни қишлоқдаги бир йигитга турмушга узатишган. Тўйдан бир ҳафта ўтмаёқ, у шаҳарга қочиб кетган. Бундай шармандаликни кўтара олмаган ота-она тез орада оламдан ўтишган. Қиз шаҳарда савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб, саёқ дугоналар орттирган. Айшу-ишратга берилиб, енгил-елпи ҳаётга ўрганган. Бу давр мобайнида хомилдор бўлиб қолганини сезган ва хомилани хуфёна олдирган ва ниҳоят навбатдаги айшу-ишрат пайтида ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олиниб, шифохонага ётқизилган. Текшириб кўрилгач, унда сўзак касаллиги борлиги аниқланган.

Иккала бемор ҳам қилмишларидан пушаймонлигини шу шифохонага тушганидан сўнг сезганликларини айтдилар. Бу сўзларга ишонса бўладими? Улар, мол-дунё, зебу-зийнат, айшу-ишратни ҳаё, ибодан афзал кўришган-ку.

Қадимдан маълумки, шарқ халқлари турмуш барқарорлигини ҳар қачон устун кўйишган. Ҳаётий осойишталик учун хатто жонларини аямаганлар.

Ривоят қилишларича, қадимдан улкан бир дарёнинг бўйида ахилу-иноқ эл яшаркан. Одамлари бир-бирига ардоқли, азиз экан. Даврлар ўтиб, шу юрт тупроғига душман оралабди. Тирик жон борки, қиличдан ўтказилиб, макону-масканлар кули кўкка совурилибди. Тасодифан тирик қолган бир аёл чақалогини бешикка беллаб, сўнг дарёга оқизибди ва шамолга ёлворибди: «Сен уни тинч ва осуда жойларга етказ. Унинг томирида диёнатли бир халқнинг қони оқаётир!». Шамол бешикни охистагина илгари сурибди. Аёлнинг кўнгли тинчибди. Шунда ортидан овоз эшитилибди: “Сени ўлдирмаймиз, яқинроқ кел...” Аёл ўғирилса, кўзи душманнинг оч нигоҳи билан тўкнашибди. Фаҳмлабди. “Эвоҳ, мен тирик қолиб, сўнг душман уруғини кўпайтириб берсам, бегуноҳ юртдошларим қони тўкилган ер мендан гина қилмасму? Йўқ, шундай қилайки, ҳоким шу она тупроқда қолсин!” Аёл шамолдай югуриб ўзини дарёнинг энг чуқур жойига отибди.

Айтадиларки, момоларимиз шундайин саодатли ва мард бўлишган!

Бугунги кунгача японлар, хиндлар ва бошқа шарқ халқлари ўз удумларини сақлаб келишмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам ўз оилаларининг муқаддаслиги учун куйинишади. Хиндистонда қарийиб 800 миллион аҳоли орасида ажралишган оилалар бор йўғи тўрт фоизни ташкил қилар экан. У ерда оила қуришда ёшлар ўртасидаги муҳаббат асосий омил эмас, аксинча ҳар икки ёшнинг феъл-атвори бир-бирига тўғри келиши катта гап экан. Фақат икки ҳолатда яъни, хотин эрига хиёнат қилса ёки бўлмаса етти йилгача фарзанд кўрмаса, ажралиш талаб этилиши мумкин экан.

Ҳар бир аёл ўз ибоси билан чиройли, лекин афсуслар бўлсинки, журъатсизлик қилиб, енгил-елпи яшаш йўлини танлаб, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар олдида шармандаю-шармисор бўлганларни ҳам учратамиз. Суюқ оёқлик кўпинча тери-таносил касалликларига асос бўлишини юқоридаги мисолларда кўрдик.

Бундан ташқари, айрим пайтларда кўча-кўйларда баъзи аёлларимиз “эркаклар бор”, демай беҳаё гапларни айтаётганини, турфа қилиқлар қилаётганликларини гувоҳи бўламиз. Бу ахир ғирт шармандалик-ку.

Донишмандлар: «Икки тоифадаги аёлни кечириб бўлмайди. Бирини енгил оёқ, иккинчиси уй тутуми нопокиза», деган эканлар.

Энди эътиборингизни мана бу мисолга қаратмоқчиман: Яқинда рўзномаларнинг бирида турмуш ўртоғидан жудо бўлиб, 25 ёшида 3та бола билан бева қолган бир хушрўй аёлнинг мактуби эълон қилинди. Қарангки, эри вафотидан кейин 3 йил ичида қайнотаси, қайнонаси, қайинсинглиси вафот этибди. Уларнинг маросимларини ёлғиз бир ўзи ҳаракат қилиб ўтказибди. Кечалари дўппи тикиб, кундузлари аёл киши бўлса ҳам мардикорлик қилибди. Ҳа, мардикорлик қилибди! У ҳеч қачон, хатто қора кунларида ҳам виждонига ямоқ туширмабди.

Бу мисолдан «Минг кишини енгган эмас, ўз нафсини жиловлаган – ҳақиқий мардир», деган хикматни нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Аждодларимизнинг зебо фазилатларини эслайлик, ўрганайлик, давом эттирайлик. Улар ҳам севганлар, севилганлар, ишқий шеърлар битиб, кўшиқлар айтганлар, лекин беҳаёлик қилмаганлар.

Одамзотнинг бутун умри синовларга тўла. Ҳар ким ёшлиқдан халқ одобномасига қулоқ солса, ота-она сўзларига, катталарнинг панд-насихатларига, оқил мураббийларнинг маслаҳатларига ва

яхши кўни- кўшнилари йўл-йўригини мағзини чақиб, дил-дилидан унга амал қилса, оқибати жуда хайрли бўлади. Инсонга жуда бебаҳо умр бир марта берилар экан, ҳар ким кўшилгани билан кўша қариб, ували-жували бўлиб, кексалар айтганидек, туб кўйиб, палак ёзиб яшасин.

Тўғри тарбия - оила бахтининг асосидир. Дунё дунё бўлгандан бери инсон гўзалликка, покликка, ҳар томонлама баркамол бўлмоққа интилади. Гўзаллик бамисоли дарахт, япроқлари ахлоқ, илдизи ички дунё, меваси яхши фазилат.

Одам боласидаги гўзаллик табиат ато қилган хусн-жамолдан ташқари, яна яхши хулқ-атвори, яхши фазилатларни ўз ичига олади. Одамзот ўз ибтидосидан бошлаб ҳозирги кунгача бир ажойиб фазилатини ёруғ юз билан саклаб келадикки, бу фарзанд тарбияламоқ бурчидир.

Ота-она учун фарзанддан ширин ва азиз нарса йўқ, фарзанд учун эса ота-онадан яқин, қадрдон ва ғамхўр киши йўқ. Шундай экан, жондан азиз фарзандимизни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлашдек вазифани адо этиш осон эмас. Бунинг учун тарбиянинг жуда “қалтис” томонига эътибор ила қарамоғимиз зарур.

“Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек, рўзгор бошлиғи бўлган ўғил отанинг, бекаси бўлган қиз эса онанинг одат ва хислатларини ўз кўрган оиласида такрорлаши шубҳасиз.

Қиз бола шундай хилқатки, унда барча гўзалликлар, англаб бўлмас сеҳр, ибто, ҳаё мужассамдир. Уни шундай мукамал қилиб улғайтирмоқ онага катта масъулият юклайди.

Қиз болани жуда кичиклигидаёқ рўзгор юмушларига ўргата бориш, қизалоғининг эртами-кечми ширинсўз, хушахлоқ, пазанда, тадбиркор ва уддабурро уй бекаси бўлиши зарурлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Қиз болада ифбат ва назокатни камол топтириш, унинг ички оламини гўзал қилиб тарбиялашнинг ўзи бўлажак беканинг турмушда ҳеч қоқилмаслигига қафолатдир. Хотинини ишдан борганда очилиб-сочилиб қутиб олишини, уйни озода тутиб, мазали таомлар пишириб дастурхонга қўйишини қай бир эркак истамайди, дейсиз.

Тўйдан олдин йиғит қизнинг хусну-малоҳатига маҳлиё бўлса, тўйдан сўнг бу муносабатлар бир мунча жиддийлашади. У ўз турмуш ўртоғини синчиклаб кузатади, унинг рўзгор тутишга қай даражада уқувли эканини фаҳмлай бошлайди. Агар эр киши кутган

натижа чиқмаса, бора-бора гаши келади, оиладаги тотувликка путур этади.

Бизнинг миллий хонадонларимизда деворга миҳ кокиб юрган аёлни ёки кўйлагига тугма қадаб юрган эркакни кам учратамиз. Аммо шундай бўлмас экан, умуман бу оилани мустаҳкам деб бўлмайди. Меҳнат айрибошлаш шикаст топса, бу ҳол янги оиланинг умумий руҳиятига аста секин таъсир қилиб, уни ичкаридан емириб боради.

Бундай номатаносибликлар оила аъзолари ўртасида келишмовчиликларга олиб келади.

Келин тушган жойга бир кулол сифатида кириб келади. У ердаги шарт-шароит билан ўзидаги маҳоратни аралаштирган ҳолда ҳаммага хуш келадиган шаклу-шамойилдаги муносабатларни ясаб, безаб бораверади.

Садокатли хотин бўлишга эришиш учун тоғдек чидам керак, парилардек бокиралик, ақл ва фаросат талаб қилинади.

Буюк қомусчи олим Абу Райхон Беруний ҳам оила қураётган қизларга ота-онасининг панд насиҳатларини келтириб, оиладаги тинчлик, тотувлик, оиланинг бахтиёрлиги кўпроқ аёллар зиммасига тушишини таъкидлайди ва шундай ёзади:

- “Эй қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат ширин сўзларингни эшитсин».

Оиладаги ёмон тарбия, фақат шу оиланинг ўзигагина салбий таъсир қилиб қолмасдан, балки атрофдаги бошқа оилаларга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин.

Демак, тўғри тарбия оила бахтининг асосидир.

Маълумки, сабзавотлар, турли ўсимликлар ва мевали дарахтлардан яхши ва мул хосил олиш уруғларининг сифатига боғлиқ бўлганидек, инсонда ҳам насл тозаллиги кўп жиҳатдан зурриёд қолдираётган киши шахватининг ҳолатига бориб тақалади.

Киши бирон дардга чалинганда бу хасталик қон ва сийдикда ўз аксини топганидек, одамнинг мижози маънавий ва моддий ҳолати шахватнинг сифатига таъсир этади. Шахватнинг сифати кайфият ва шароитга қараб бир-бирига ўхшамаган хусусиятларда

шаклланади. Шу боисдан бир ота-онадан туғилган фарзандлар ақл идроки, шакл ва шамойили жиҳатидан турлича бўладилар.

Эр-хотин ўртасидаги кўнгилсизликлар, нафрат, кўркув ва жаҳолат наслнинг бузилишига сабаб бўлади...

Бир оилада икки фарзанд ўсган. Бири касалванд хасадгўй, ва кўримсиз бўлса, иккинчиси жуда қобилиятли, одобли, чиройли бўлган. Унинг онасидан биринчи болага қайси шароитда хомиладор бўлгани сўралганда, онаси уни оиласи анча қийинчиликда, нотинчликда, хавотирда яшаган пайтда бўлганини айтган. Шунинг учун эр-хотин ўртасида муносабатлар анча совуқ тус олган экан. Табиийки, бу ҳолат наслга таъсир кўрсатган.

Онанинг айтишича, вақт ўтиши билан оиланинг моддий ахволи яхшиланган. Эр-хотин иккаласи тез-тез сайр-саёҳатларга чиқиб турганлар, тўй-томоша ва сайлларда бўлишган. Рухий хотиржамлик ва ҳаловатли кунлар бошланган. Эр-хотин ўртасида муҳаббат ва меҳрибончиликлар жўш урган. Эр-хотин ҳам руҳан, ҳам жисмонан бир-бирига талпинган, бир-бирини тўлдирган. Шундай қайфиятда юришганда хотин иккинчи ўғлига хомиладор бўлган. Оқибатда насл ҳам тўлиқ, ҳам бўлиқ бўлган.

Кўрдингизми, гарчи болалар бир ота-онадан туғилган, бир қозондан овқатланган ва бир хонадонда вояга етган бўлсаларда, ақл, феъл-атвор ва соғлиги жиҳатидан бир-бирларидан анча фарқ қилишган. Бунга сабаб аёлнинг бир-бирига ўхшамаган шароитда ва ҳар хил руҳий ҳолатда хомиладор бўлганидир.

Яна бир мисол: Бир оилада аёл ёш боласини ташлаб, бошқа эрга тегиб кетади. Бола улғаяди. У ўз онасининг қилмишидан нафратланса ҳам, уни кўриб қолганда бағри-дили очилишини, суюнганидан еру кўкка сиғмай кетишини, ўша куни мириқиб ухлашини айтади. Нега шундай? Бунинг сабабида ҳам насл дунёга келган пайтни эслаш лозим. Бу фарзанд ота-оналари ошиқ-мошиқ бўлган вақтларда дунёга келган. Бундай туғма соғинч, руҳий изланиш, изтиробни ҳеч қандай огир шароит ёки жудолик йўқ қилолмас экан.

Меҳрсиз, ишқ-муҳаббатсиз дунёга келган фарзандлар, гарчи ўз ота-оналари бағрида, фаровонликда яшасалар ҳам, уларга нисбатан меҳрибонликни, ғамхўрликни ва ҳурмат қилишни яхши билмайдилар. Уларнинг ашшадийлари ўзларининг ўта одобсизликлари ва жирканч қилмишлари билан ота-онасини ўтда ёндирадилар. Фарзанднинг отага меҳрибонлиги, онанинг отага

меҳрибонлиги заминда қориндаёқ болага ўтади. Отанинг ўз хотинига меҳри болада онага нисбатан меҳрини шакллантиради.

Эр-хотиннинг рухий тайёргарлигисиз, ҳавотирлик ва тахликада, пала-партиш, фавқулдда ёки маст ҳолда иш тутуши фарзандларнинг ҳам ҳоҳ яширин, ҳоҳ ошкор нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади. Туғма хусусиятлар, ҳоҳ ижобий (фаросатлилик, инсофлилик, андишаллик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик ва ҳ.к.) ҳоҳ салбий (ҳасадгуйлик, жоҳиллик, очкузлик, димоғдорлик хийлакорлик ва ҳ.к.) бўлишидан катъий назар, ҳаётдаги шароит таъсирида эгилиб-букилса-да, кўп ҳолларда ўзгармайди.

Қадимдан “Экканингни ўрасан” деган нақлнинг ҳаёт сабоғи ҳам шундан. Албатта, катта орзу билан яхши уруғ эккан деҳқон истагандек яхши сархил ҳосил олади.

Донишмандлар ҳамиша фарзанд кўришга ниҳоятда катта масъулият билан қараш кераклигини кўп бор таъкидлаганлар.

Бу дунё биз билиб, билмаган фоний дунёдир. Ҳаётда сабр қаноатли аёллар оз эмас. Улар оиланинг манфаатларини кўзлаб эркаларнинг ноҳўя ҳаракатларини билмасликка оладилар, дилларидаги норозиликларини пинҳон тутадилар.

Ўзига нисбатан ҳурмат, меҳр, эъзозни сезган, хис қилган аёлнинг кўзи яшнайдиган, юзида нур ёғилади, лабидан табассум аримайди. Икки яшноқ бахт уйғунлигидан пайдо бўлган фарзандлар фариштали, ақлли, истеъдодли, чиройли ва меҳрибон бўладилар.

Турмуш қуриш бўсағасида бўлган ёшлар бу нарсалардан бохабар бўлганлари мақсадга мувофиқдир.

Азизларим! Саҳар туриш ҳосиятлидир. Улуғлик соатлари бўлмиш эрта тонгни кўз олдингизга келтиринг. Қуёш гўё ўз элчиси – тонгги шафакни ер юзига юбориб: “Ердагиларга бориб айт, огоҳ бўлишсин, мен чиқиб келаяпман”, - дегандай бўларкан. Ҳа, қуёш – улуғ мўжиза, унинг беминнат илтифотидан баҳра топмаган ҳеч нарса йўқ. Унинг истиқболига пешвоз чиқиб кутиб олиш – миллатимиз одати.

Бобо-момоларимиз: “Болаларим, эрта туриш керак, ҳар тонг ўзини яхши кутиб олган одамга бир олам насиба олиб келади. Кимки уйғоқ бўлса, ўшанга кўпроқ тегади”, дер эдилар.

Шунга амал қилган барча хонадон соҳибалари тонг саҳарлаб туришиб ховлию эшик олдиларига сувлар сепишиб, чиннидай қилиб супурардилар ва қуёш чиқишини кутардилар.

Минг афсуски, ҳозирда барча хонадон соҳибалари бунга амал қилаяпти, дея олмаймиз. Тонг саҳарда туриб юзини ювган киши бир олам тетиклик, яхши кайфият олади, руҳи тонгдай покиза бўлади. Инсон ғафлатдан бош кўтариб, ўзлигини англайди, инсоний юмушларга киришади, ишлайди, кўради, яратади. Унинг улуг ишлари шу тонгдан бошланади.

Шу боис сахармардондан кеч қолмаган инсонларни олқишлаш керак. Бу бизнинг азалий удумларимиздандир.

Шундай экан, ҳар бир оилада барча оила аъзолари, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин шу одатга ўргансалар, шу оилада ҳамиша мусаффолик, равшанлик, дилхушлик ҳукм суради. Бу муҳитда тарбия кўрган киши ҳамма жойда шундай иш тутишга одатланади. Бунга барча ёшлар ҳам амал қилсалар, ўрнакли иш бўларди. Ҳар бир хайрли ишда ота-боболаримиз асрлар давомида яратган, ўзларининг ҳаёт синовларидан ўтказган умрбоқий анъаналаримиздан, урф-одатларимиздан фойдаланишни йўлга қўйишимиз муҳимдир. Бусиз ҳар қанча гапирмайлик, ёзмайлик, ижобий натижаларга эришиш қийин.

ДОНОЛАР АЙТАДИ

1. Аёл уйининг султони, болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир.
2. Яхши аёл сиркани бол қилади, ёмон феълли аёл, болни сирка қилади.
3. Бир уйда аёлнинг овози баланд чикса, ул уйда хайр йўқдир, у ердан саодат кутма.
4. Ҳолига шуқр этмаган, турмуш ўртоғига меҳр ва ҳурмат кўрсатмаган аёл қанчалик гўзал бўлмасин, оилага ҳузур ва бахт келтирмайди.
5. Ақлли аёл эр жаҳлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади.
6. Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади.
7. Эрининг қариндош-уруғларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл, ҳузур ичида яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир.
8. Бир одамнинг тўғрилиги ва садоқатли эканлигини билиб олиш учун унинг аждоди, ота-боболари ким эканлигини билиш керак.

9. Шоду хуррамлик билан, гам-гуссанинг ораси бир кадам.
10. Қиз ва ўглингиз тақдирини ҳал қилишдан аввал узоқ ўйланг. Сўраб-суриштиришдан тортинманг. Халқимизда: “Етти пушти ким бўлса авлоди ҳам шу бўлади”, деган нақлни магзини чақиб иш кўрсангиз, асло зарар кўрмайсиз.
11. Насл насабни суриштириш удуми оилада тотувлик ва покликни таъминлаш, янги авлод қонининг тозалигини асраб қолиш мақсадида қилинган. Авлодини қони тоза бўлса, миллатини қони тоза бўлади. Тоза қонли миллатнинг имони бутун, шуури баланд, умри боқий кечади.
12. Кимки қиссага кулоқ солса, албатта, унинг ҳар биридан ўзига ҳисса олади.
13. Ҳаёт – энг яхши мураббийдир.
14. Тонгда ухлашлик ризқни қияди.
15. Она бўлиш осон, оналик қилиш қийин
16. Яхши хотин эр ғамини аритади,
Ёмон хотин эрини тез қаритади
17. Бахтга эришишнинг 3 та йўли бор: ақл, ҳалол меҳнат ва ота – онани дуосига муяссар бўлиш.
18. Дўст кулфатда, ботир жангда, ростгўй қарзини узганда, хотин қашшоқликда ва қариндошлариг мусибатда билинади.
19. Кўп имкон калити аёл кўлида,
Тик турса эрининг ўнгу- сўлида,
Бор меҳрин рўзгорга қаратар эркак,
Адашмас ҳорланиб ҳаёт йўлида
20. Фарзандлар бахтини тилаб яшайлик,
Эркалаб бошини силаб яшайлик,
Тақдирнинг турли ҳил синовларида,
Сабрга меҳрла гуллаб яшайлик

Азизларим! Мана китоб ҳам ниҳоясига етди. Сиз уни ўқиб чиққач, китоб жавонингизга элтиб кўйишингиздан аввал, унда баён этилган фикрларни яна бир бор, такроран яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг.

Бу китобдаги эзгу сўзлар сизнинг пок кўллариңгиздан маҳкам ушлаб, эзгу ишларга йўллашига шубҳам йўқ..

Ҳаёт гўзал. Ундаги гўзаллардан баҳра олмоқ учун Аллоҳ бизга умр инъом этди. Унда яшаш эмас, қандай яшаш муҳим.

Инсон туғилган чоғида пешонасига тақдири аъзал қалами ила налар ёзилганини билмайди. Биров ундай, биров бундай яшаши

мумкин. Кимгадир бахт кулиб бокади, кимдир аччик қисмат зарбаларига дуч келиб, умргузаронлик қилади. “Бу дунёдан, албатта , қанд еган ҳам ўтади, панд еган ҳам ўтади” дейди кўпни кўрганлар. Ҳамма-ҳаммаси тангри Таолонинг иродаси билан рўй беради.

Атоқли маърифатпарвар Ризоуддин Ибн Фаҳриддин: “Балоларга сабр қилиш ва қазоларга бўйсунуш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга олиб борадиган бирданбир йўлдир. Инсон боласи қайгу, хасрат кўрмай умр кечириши мумкин эмас. Турмуш ва ҳаёт чангалзор оралаб юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб, сузишдан иборатдир. Ақлли инсон бу ҳолларда кўнглини чўктирмаслиги лозим. Ҳар оғирлик ортидан енгиллик келишини Яратганнинг ўзи ваъда қилиб қўйган. Оқил инсонлар шу ваъдани хотирлаб, ўзларига тасалли бериб юрадилар, ношукурчилик қилмайдилар. Кўпчилик тушкун вазиятда қолган пайтлари довдираб, мусибатлар кўламини ва охирини ўйлаб, ваҳимага берилади. Бир ғами ўн бўлади, ҳаётдан файз, турмушдан лаззат кетади. Ваҳоланки, ҳаёт асло бир маромда кечмайди. Тун кунга алмашгани, киш ўрнини ёзга бўшатганидек, ҳамма нарса навбати билан алмашиб туради. Яратганнинг амриси инсонга битта ҳам тикон кирмайди. Мусибатларни Яратганнинг синови сифатида қабул қилсангиз, бу бирор қилмишимнинг жазосимикин ёхуд бирор ҳатойим эвазигамикин деб хулоса чиқарсангиз, тўғри бўлади. Донолар: “Мусибатлар кўзга малҳам, дилга қувватдир” деган эканлар.

Сабр билан ишлар битар, шошқалоқлик бошга етар”, “Сабр-шикоятларни тарк этишлиқдир”, “Сабрнинг аввали аччик, охири эса ширин”, “Мусибатга сабр қил, чунки сенинг устингдан кулувчилар бор” каби нақлларни халқ орасида юриши ҳам шундандир.

Манбаалардан маълумки, Луқмони ҳаким барчаларга ибрат бўладиган фазилатларга эга бўлган. У одоби, муомаласи, хулқи туфайли халқ орасида хозик табиб, “Набий” мақомидаги ҳурмат даражасига эришган. Унинг хикматлари инсонларни тўғрилиқка, ҳақгўйликка рағбат этган, ёлғончилик, мақтанчоқлик, мунофиқликни рўйи-рост қоралаган, инсонлар қалбида эзгулик, меҳр-муруват уруғини ундирган.

Луқмони Ҳакимдан бу фазилатларга қандай эришганлиги ҳақида сўралганда, у “Аллоҳ Субҳонаҳу ва таоло инояти ва марҳамати билан тўғри сўз бўлдим. Омонатга асло хиёнат қилмадим. Номмақбул амалдан узоқ юрдим. Кўзим ва тилимни

сақладим. Нафсимни тийдим, аҳдимга вафо қилдим. Меҳмонни яхши кўрдим, қўни-қўшничилик ҳурматини ўрнига қўйдим, бефойда нарсаларга уринмадим. Шояд шу амалларим шарофати билан бунга эришган бўлсам, ажаб эрмас” деб жавоб берган экан.

Одамзод танасида 6 та аъзо борки, уларнинг 3 таси ўзининг ҳукмида, 3 таси эса унга бўйсунмайди. Кўз, кулоқ, бурун одамга бўйсунмайди. Кўргиси келмаган нарсани кўришга, эшитгиси келмаган гапларни тинглашга, хуш ёқламайдиган исларни хидлашга мажбур бўлади.

Оёқ, қўл ва тил эса инсон ҳукмида. Қўл билан агар хоҳланса гўзал буюмлар яратиш ёки гўзаллик масканларини вайрон қилиш ёки шу қўллар билан инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиб, эҳсонлар қилиш ё ўзгаларни мулкни ўзлаштириб олиш мумкин. Оёқлар эса истаса уни ибодатга, илм масканига, истаса ёмон жойларга олиб боради. Тил билан илохий каломларни, яхши сўзларни ёки аксинча иғво, ярамас гапларни айтиш мумкин.

Шундан хулоса қилин்கи, яхши сўз яхши, пок қадам баракали, пок қўл сизга доим шараф келтиради, турмушингиз тинч кечади.

Азизларим! Бу қисқа беш кунлик дунёда ишларингизни беш қилиб яшанглар. Бироқ инсофу-диёнатдан четга чиқманглар. Сизларга берилган эрк, хуррият ва ҳурматни суистеъмол қилманглар, гуноҳга ботиш мумкин. Зотан, бу дунёнинг ўз сарҳисоби бор!

Илоҳим юртимиз обод, элимиз тинч, дилимиз тоза, ниятимиз улуг, ҳаётимиз тўкин бўлсин. Сизларнинг барчаларингизга мустаҳкам соғлиқ тилаб, шарафли эзгу ҳатти-ҳаракатларингизда Аллоҳдан мадад сўраб қоламан ва шоирнинг қуйидаги сўзларини тилаб қоламан:

*Оналар қалбида қувонч порласин,
Оталар қалбида ишонч тугилсин.
Фарзандлар соғ бўлиб, юрт камол топсин,
Улар қувончи оламни тутсин.*

*Дард қўтармагин асло болажон,
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.
Соғ тандаги соғлом ақлингдан,
Буюк бўлсин – юрт – Ўзбекистон.*

ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

ҚИЗ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Мухаррир: З. С. Салоҳиддинов.
Техник муҳаррир: Ш Раҳматов
Дизайнер: М. Якубова.

«Times New Roman» гарнитураси.Офсет
коғози. Офсет усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи 2.5.